

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**468 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида  
атроф табиий муҳит давлат мониторинги Дастурини  
тасдиқлаш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2002 йил 3 апрелдаги 111-сон қарорига мувофиқ республикамизда атроф табиий муҳит мониторингининг ягона тизими фаолият кўрсатмоқда, Ўзбекистонда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида салбий жараёнларнинг олдини олиш ва бар-тараф этиш ҳамда давлат назоратини таъминлаш бўйича таъсирчан чоратadbирлар кўриш учун атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ва табиий ресурслардан фойдаланишни мунтазам равишда комплекс баҳолаш амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мониторингнинг мавжуд тизимида вазирликлар ва идоралар мониторинг марказларини замонавий таҳлилий приборлар билан таъминлаш ва мониторинг натижаларини умумлаштиришда ахборот технологиялардан фойдаланиш ишлари етарли олиб борилмаяпти.

Келгусида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш ҳолатини мунтазам равишда баҳолаш ва даражасини прогнозлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги Дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингини амалга оширувчи вазирликлар ва идоралар кўрсатиб ўтилган Дастурни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни календарь йил учун ажратиладиган умумий бюджет маблағлари доирасида молиялаштиришсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 31 октябрь,  
292-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 31 октябрдаги 292-сон қарорига  
ИЛОВА

468-модда

**2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий  
муҳит давлат мониторинги  
ДАСТУРИ**

Т/р	Атроф табиий муҳит мониторинги бўлимлари	Мониторинг турлари	Асосий тадбирлар	Бажариш муддатлари	Қўтиладиган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари 2011 — 2015 йиллар 2011 йил (млн сўм)	Бажарувчи ташкилотлар	Бажарилишини назорат қилиш
1	2	3	4	5	6	7	8	9
<b>I. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги (АТМДМ)ни олиб бориш</b>								
1.1.	АТМДМ тизимида қўзатишларни режалаштириш							
1.1.1.	АТМДМ тизимида қўзатиш объектлари ва дастурларини қайта кўриб чиқиш	Ифлослантирувчи манбалар (эмиссиялар) мониторинги	Табиий муҳитни ифлослантирувчи объектларни қайта кўриб чиқиш ва аниқлик киритиш: sanoat ташламалари манбалари, оқова, sanoat ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ташлама сувлари, шунингдек, ерларнинг ифлосланиши	2011 йил IV чорак 2012 — 2015 йиллар I чорак	Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича табиий муҳитни ифлослантирувчи моддалар ва ифлослантирувчи асосий объектлар рўйхатларини аниқлаш	<u>53,58</u> 7,20	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Таҳлилий назоратга ихтисослашган давлат ва вилоят инспекциялари (кейинги ўринларда ТНИДИ деб аталади)	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
		Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги	Атмосфера ҳавосида радон концентрацияси мониторинги ишларини лойиҳалаш	2011 йил давомида	Мақбуллаштирилган лойиҳасида мониторинг объектини танлаш ва келишиш	<u>0,30</u> 0,30	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси «Комплекс геология-съемка қидирув экспедицияси» (кейинги ўринларда КГСҚЭ деб аталади) давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
		Ер усти ва ер ости сувлари ифлосланиши мониторинги	Объектларни текшириш ҳамда сув манбалари ва сув ҳавзаларининг санитария-эпидемиология ҳолатини қўзатиш дастурини қайта кўриб чиқиш	2011 йил IV чорак 2012 — 2015 йиллар I-II чорак	Аниқланган ифлослантирувчи манбалар асосида мониторинг объектлари жойлашувини асослаш ва тузиш	<u>65,15</u> 13,03	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари (кейинги ўринларда ДСЭНМ деб аталади)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2011 й.

— 34 —

43-44 (491-492) -сон

1	2	3	4	5	6	7	8	9
			Ер ости сувлари ҳолати мониторингини олиб бориш бўйича лойиҳаларни тайёрлаш	2013 й. I чорак (2011-2012 йй. амалдаги лойиҳалар бўйича ишлар давом этади)	3 йиллик (2013 — 2015 йиллар) лойиҳа тузиш	55,00 0,00	«ГИДРОИНГЕО институту» давлат корхонаси, «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
			Чотқол-Курама минтақаси ва Зарафшон дарёси уран конлари худудлари сувларида токсик металллар ва радионуклидлар миқдорини кузатиш ишларини лойиҳалаштириш	2011 йил давомида	Лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш, мониторинг объектини келишиш	0,93 0,93	«Комплекс геология-съемка кидирув экспедицияси» давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
			Асосий сув оқимлари ҳолатига таъсир кўрсатадиган манбалар ва объектларни (сув айириш коллекторларини) аниқлаш	2011 йил IV чорак 2012 — 2015 йиллар I чорак	Асосий сув айириш коллектор-дренаж тизимларида кузатиш постларини ривожлантириш	14,70 6,20	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ирригация тизимлари ҳавзалар бошқармасининг вилоят гидрогеология-мелиоратив экспедициялари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
		Ерлар ифлосланиши ва ер усти экотизимлари мониторинги	Айрим вилоятлар тупроқлари бошланғич ҳолатини баҳолаш ва ерлар мониторингининг янги объектларини танлаш	2011 йил давомида	Тадқиқотлар асосида янги объектлар танлаш ва мониторинг дастурини тайёрлаш	40,00 40,00	«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси «Тупроқ-шунослик ва агрохимё» давлат илмий-тадқиқот институти	«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси
			Ишлатилган уран конлари атрофидаги радиация ҳолати, тупроқ таркибидаги радионуклидлар ва бир қатор токсик металллар миқдорини кузатиб бориш ҳамда йирик аҳоли пунктларини радиация бўйича текшириш ишларини лойиҳалаш	2011 йил давомида	Мақбуллаштирилган лойиҳани тузиш, мониторинг объектиларини келишиш	5,00 5,00	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси «Комплекс геология-съемка кидирув экспедицияси» давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
		Хавфли геологик жараёнлар мониторинги	Янгидан вужудга келган потенциал хавфли объектларни ҳисобга олган ҳолда республиканинг тоғ ва тоғ олди худудларида хавфли геологик жараёнлар мониторингини олиб бориш ишларини лойиҳалаш	2011 йилдан бошлаб 3 йиллик дастурга мувофиқ	Аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш мақсадида хавфли геологик жараёнлар мониторингини олиб бориш учун (бахор, куз) объектлар рўйхатини аниқлаштириш	50,50 25,50	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
		Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари мониторинги	Биомлар бўйича ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари ҳисобини олиб бориш: тўқайлар, адирлар, ўрта тоғлар ва баланд тоғлар, агроландшафтларда Тошкент, Сирдарё вилоятларида ва Фарғона водийсида —	2011 йил давомида	Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари мониторингини олиб бориш учун объектлар рўйхатини аниқлаш. Индикатор турларни аниқлаш, маршрутларни белгилаш.	30,00 30,00	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Давбионазорат» ва вилоят бўлиmlари, Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси

1	2	3	4	5	6	7	8	9
			2011 йил I — IV чорақларида, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида — 2011 йил II — IV чорақларида				овчилар ва балиқчилар уюшмаси, Миллий университет	
			Биомлар бўйича ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари ҳисобини олиб бориш: Жиззах, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида текислик балиқчилик сув ҳавзалари, даштлар, қумли чўллар, гипсли, шағалли, қолдиқ тоғларда.	2012 йил I — IV чорақ		40,00 -		
1.1.2.	Экологик индикаторларни танлаш ва атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингини тизимига жорий қилиш	Мониторингнинг барча турлари бўйича	Атроф табиий муҳит ҳолатини баҳолаш учун табиий муҳит ҳолати кўрсаткичлари таҳлили ва экологик индикаторларни танлаш	2011 йил IV чорақ 2012 — 2015 йиллар I-II чорақ	Халқаро ва миллий устуворликларга мувофиқ экологик индикаторлар маълумотлари базасини яратиш	- -	АНИДИ «ГИДРОИНГЕО институти» ДК, «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
			Атроф табиий муҳит мониторингини учун кузатувларни ташкил этиш, экологик индикаторлар бўйича маълумотларни тўплаш	2011 йил IV чорақ 2012 — 2015 йиллар II-III чорақ	Экологик индикаторлар бўйича ахборотларни тўплаш, умумлаштириш ҳамда уларни атроф табиий муҳит мониторингининг ягона маълумотлар банкига узатиш	65,15 13,03 - -	Республика ва вилоятлар ДСЭНМ АНИДИ «ГИДРОИНГЕО институти» ДК, «Гидроминерал ресурслар геологияси» ИИЧМДК	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
1.2.	Атроф табиий муҳит давлат мониторингини тизимида кузатишларни ташкил этиш ва амалга ошириш							
1.2.1.	Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингини тизимида кузатишларни ташкил этиш	Ифлослантирувчи манбалар мониторингини (эмиссиялар)	Атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи устувор манбалар (эмиссиялар) устидан мунтазам кузатишлар олиб бориш (саноат ташландилари, оқова сувлар ташланмалари, тупроққа ифлослантирувчи моддалар эмиссияси)	Мунтазам равишда, идоравий дастурга мувофиқ	Атроф табиий муҳит объектларини ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати бўйича маълумотларни олиш	224,80 30,21	АНИДИ	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
		Атмосфера ҳавоси ҳолати устидан кузатишлар олиб бориш	Чотқол кўрикхонаси станциясида фон мониторингини олиб бориш	Мунтазам равишда, идоравий дастурга мувофиқ	Атмосфера ифлосланишининг фон даражасини аниқлаш	2334,66 313,74	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология хизмати марказининг	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология

1	2	3	4	5	6	7	8	9	
			Импакт мониторинг. Шаҳарлар ҳаво муҳитини sanoat ташланмалари, автотранспорт ва бошқа ифлослантувчи манбалардан ифлосланишини тургун постларда кузатувлар олиб бориш	Ҳар куни (соат 7, 13 ва 19 да)	Асосий ва специфик аралашмаларнинг бир марталик ва ўртача суткалик концентрациялари тўғрисида ахборот олиш. Атмосферадаги ифлослантувчи модда концентрацияларининг ўртача ойлик, ўртача йиллик ва кўп йиллик кўрсаткичларини олиш		атмосфера, ер усти сувлари ва тупроқ ифлосланиши мониторинги хизмати (кейинги матнда — «Ўзгидромет» маркази)	хизмати маркази	
			Атмосферанинг ер усти қатламида радиоактив ташланмалар ва аэрозол концентрацияси устидан назоратни амалга ошириш	Идоравий дастурга мувофиқ	Ўзбекистон Республикаси бўйича ва алоҳида ҳудудларда радиацион режим тўғрисида маълумотлар олиш				
			Стационар постлар бўлмаган жойларда маршрутли кузатишларни олиб бориш		Стационар кузатишлари бўлмаган аҳоли яшайдиган жойларда ҳаво муҳити ифлосланиш ҳолатини баҳолаш				
			Подфакел кузатишларни амалга ошириш		Паст манбалардан ташланмадан ва таъсири қисқа масофалар билан чегараланган специфик моддаларни инструментал ўлчаш				
			Бир қатор аҳоли пунктларининг болалар муассасалари хоналарида атмосфера ҳавосидаги радон миқдори устидан кузатишлар олиб бориш	Ҳар йили 1 марта	Бир қатор аҳоли пунктлари атмосфера ҳавосидаги радон миқдорининг мавсумий маълумотлари, уларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил этиш мақсадида маълумотлар банкига киритиш	182,00 24,00	«Комплексе геология-съемка қидирув экспедицияси» давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	
		Ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиши мониторинги	Ер усти сувлари						
			Ер усти сувлари фон мониторингини юритиш (Чотқол қўриқхонасида)	Гидрологик фазаларга мувофиқ	Ер усти сувлари фон ҳолати тўғрисида маълумотлар олиш	2334,66 313,74	«Ўзгидромет» Ифлосланиш мониторинги хизмати (ИМХ)	«Ўзгидромет» маркази	
			Турли тоифадаги сув оқими пунктларида ер усти сувларининг гидрохимёвий кўрсаткичлари устидан кузатишлар олиб бориш:						
			II тоифа пунктлари	Ҳар 10 кунда	II тоифа сув оқимлари суви сифати тўғрисида ахборотлар олиш				

1	2	3	4	5	6	7	8	9	
			III тоифа пунктлари	Ҳар ойда	III тоифа сув оқимлари суви сифати тўғрисида ахборотлар олиш				
			IV тоифа пунктлари	Сув режими-нинг асосий фазаларида	IV тоифа сув оқимлари суви сифати тўғрисида ахборотлар олиш				
			Асосий сув оқимларининг гидробиологик кўрсаткичлари устидан кузатишлар олиб бориш	Йилнинг III — XI ойларида	Сув массаси ифлосланишининг умумий даражасига кўра сув оқимлари биологик синфини ва экологик ҳолатини баҳолаш				
			Танланган сув оқимларида кимёвий ва бактериологик тадқиқотлар ўтказиш	Мунтазам равишда, тўлиқ (ҳар ойда), қисқартирилган (ҳар 10 кунда) дастур бўйича	Асосий кимёвий ва бактериологик ифлослангичларни аниқлаш ва сув оқимлари ҳолатини баҳолаш	<u>2966,40</u> 593,28	Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман ДСЭНМ	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	
			Чотқол-Курама минтақаси ва Зарафшон дарёси уран конлари худудлари сувларида токсик металлар ва радионуклидлар миқдори устидан кузатув олиб бориш ишларини лойиҳалаштириш	Ҳар йили 2 марта	Дарё сувларини ифлосланганлик даражасини баҳолаш	<u>200,00</u> 34,20	«Комплекс геология-съемка қидирув экспедицияси» давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси	
			Асосий сув ажратиш трактлари коллектор-дренаж сувлари сифати устидан кузатишлар олиб бориш	Мунтазам равишда, идоровий дастурга мувофиқ	Суғориш манбалари ва маҳаллий ботиқларга тушадиган коллектор-дренаж сувларининг сифати ва миқдорини аниқлаш	<u>162,50</u> 30,00	Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси вилоятлар гидрогеология-мелиоратив экспедициялари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	
			Ер ости сувлари						
			Асосий конлар бўйича ер ости сувларининг сифат ва миқдори устидан кузатишлар олиб бориш (фон, худудий ва маҳаллий даражаларда)	Мунтазам равишда, лойиҳалар ва амалдаги методикаларга мувофиқ	Табий ва техноген омиллар таъсири остида конлар ер ости сувлари сифати ва миқдорининг ўзгариши тўғрисида маълумот	<u>9242,00</u> 1740,72	«ГИДРОИНГЕО институти» давлат корхонаси, «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси	
		Ерларнинг ифлосланиши ва ер усти экотизимлари мониторинги	Тупроқ ифлосланиши устидан кузатишлар олиб бориш:			<u>1556,44</u> 209,16	Ифлосланиш мониторинги хизмати ҳамда тармоқ бўлинмалари	«Ўзгидромет» маркази	
			Чотқол кўриқхонасида фон даражасида	Йилига бир марта	Тупроқнинг фон ҳолатини аниқлаш				
			айрим қишлоқ хўжалиги ерларининг токсикантлар билан ифлосланганлиги	Ҳар йили 2 марта (баҳорда, кузда)	Тупроқнинг заҳарли химикатлар ва минерал ўғитлар билан ифлосланганлиги даражасини назорат қилиш				

1	2	3	4	5	6	7	8	9
			йирик sanoat шаҳарлари атрофини sanoat токсикантлари билан ифлосланганлиги	Ҳар 5 йилда бир марта	Тупроқнинг sanoat корхоналари ташланмалари билан ифлослан-ганлик даражасини назорат қилиш			
			Чотқол-Курама минтақасида ишлатилган уран конлари ҳудудларида тупроқнинг токсик металллар ва радионуклидлар билан ифлосланганлиги устидан кузатувлар олиб бориш, республиканинг йирик аҳоли пунктлари ва туманларини радиация жиҳатидан текшириш	Ишлатилган уран конлари ҳудудларида ҳар йили икки марта Йилга бир марта аҳоли пунктларини текшириш	Ишлатилган уран конлари ҳудудлари тупроғида токсик металллар ва радионуклидлар миқдори ҳамда йирик аҳоли пунктларидаги радиацион вазият тўғрисидаги маълумотлар	<u>1150,50</u> 271,78	«Комплекс геология-съемка қидирув экспедицияси» давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
			Сурхондарё, Фарғона, Бухоро, Андижон ва Тошкент вилоятлари экологик майдончаларидаги тупроқлар ҳолати устидан тартибли кузатувлар олиб бориш	2011 — 2015 йиллар (баҳор-куз)	Тупроқнинг экологик кўрсаткичлари бўйича ахборот ва таҳлилий материаллар тайёрлаш	<u>500,00</u> 100,00	«Тупроқшунослик ва агрокимё» давлат илмий-тадқиқот институти	«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси
			Сурхондарё, Фарғона, Бухоро, Андижон ва Тошкент вилоятларининг асосий мониторинг участкаларида тупроқ текширувларини ўтказиш	2011 — 2015 йиллар (баҳор-куз)	Тупроқнинг бошланғич экологик ҳолатини аниқлаш ва ерлар мониторингини олиб бориш учун доминант тупроқли асосий участкаларни танлаш	<u>100,00</u> 20,00		
		Хавфли геологик жараёнлар мониторинги	Республиканинг тоғ ва тоғ олди районларида хавфли геологик жараёнларнинг ривожланиши устидан тартибли кузатувлар ўтказиш	Мунтазам равишда	Хавфли геологик жараёнларнинг ривожланиши тўғрисида маълумотлар ва ҳудудлардан фойдаланиш тўғрисида хулоса тузиш ҳамда мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш	<u>4600,00</u> 921,97	Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
		Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари мониторинги	Танланган индикаторлар тўпламлари ва мониторинг маршрутларини коррективка қилиш	Мунтазам равишда, идоровий дастурга мувофиқ 2013 йил I — III чорак	Ўзбекистон Республикаси бўйича, ва алоҳида ҳудудларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари ва улар яшайдиган ўсадиган биомлар тўғрисида маълумотлар олиш	<u>50,00</u> -	«Давбионазорат»	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
1.2.2.	Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимида кузатишлар маълумотлари ишончлилигини	Мониторингнинг барча турлари бўйича	Таҳлилий ишлар бажарилишининг аниқлиги ҳамда атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги маълумотлари ишончлилиги таъминланишини баҳолаш	Ҳар йили	Кимёвий-таҳлилий, санитария-гигиена ишларининг аниқлигини ички ва идоралараро назорат қилиш ҳамда ишончсиз маълумотларни бекор қилиш	<u>155,64</u> 20,92 <u>64,24</u> 8,63 <u>108,60</u> 21,72	«Ўзгидромет» маркази АНИДИ Республика ва вилоятлар ДСЭНМ	«Ўзгидромет» маркази Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

1	2	3	4	5	6	7	8	9
	текшириш ва баҳолаш					50,00 12,00	«Тупроқшунослик ва агрокимё» давлат илмий-тадқиқот институти	«Ергеоздекадастр» давлат қўмитаси
						13,10 2,60	Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси вилоятлар гидрогеология-мелиоратив экспедициялари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
1.3.	Атроф табиий муҳит давлат мониторинги натижаларини умумлаштириш	Мониторингнинг барча турлари бўйича	Ахборот материаллари ва ҳисоботларни чоп этишга тайёрлаш учун олинган таҳлилий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш, шошилиш, тезкор ва тартибли маълумотларни умумлаштириш	Ҳар чоракда ва ҳар йили	Атроф табиий муҳитни яхшилаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотларни тизимлаш, қайта ишлаш ва ахборотларни тайёрлаш	155,64 20,92 75,92 10,20 25,00 - 90,30 18,06 300,00 63,10 25,00 5,00 3,20 0,65	Ифлосланиш мониторинги хизмати АНИДИ «Давбионазорат» Республика ва вилоятлар ДСЭНМ «ГИДРОИНГЕО институти» давлат корхонаси, «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати, «Комплекс геология-съемка қидирув экспедицияси» давлат корхонаси «Тупроқшунослик ва агрокимё» давлат илмий-тадқиқот институти Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси вилоятлар гидрогеология-мелиоратив экспедициялари	«Ўзгидромет» маркази Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси «Ергеоздекадастр» давлат қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
1.4.	Атроф табиий муҳит давлат мониторинги ахборот маълумотлари банкни шакллантириш							
1.4.1.	Атроф табиий муҳит давлат мониторинги ахборот маълумотлари банкни юритиш	Мониторингнинг барча турлари бўйича	Мониторинг маълумотларини йиғиш, тизимлаш, махсус дастурлар бўйича олинган маълумотларни автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлаш, қоғоз ва электрон (техник) манбалардаги ахборотларни тўплаш	Ҳар чоракда	Бошқарув қарорлари қабул қилиш учун табиий муҳит ҳолати, ахборот таъминоти тўғрисида маълумотлар банкни тўплаш	155,64 20,92 60,72 8,16 25,00 -	«Ўзгидромет» маркази АНИДИ «Давбионазорат»	«Ўзгидромет» маркази Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси



1	2	3	4	5	6	7	8	9
			Мониторинг маълумотларини бошқариш ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларига истеъмолчи учун қулай бўлган шаклда маълумотларни тақдим этиш	Йил давомида	Мониторинг натижаларини таҳлил қилиш ва атроф табиий муҳит давлат мониторинги ягона маълумотлар банкига юбориш	0,78 0,16 <u>200,00</u> 84,00	Республика ДСЭНМ  «ГИДРОИНГЕО институти» давлат корхонаси, «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати, «Комплекс геология-съемка қидирув экспедицияси» давлат корхонаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
						0,78 0,15	Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси вилоятлар гидрогеология-мелиоратив экспедициялари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
						<u>25,00</u> 5,00	«Тупроқшунослик ва агрохимё» давлат илмий-тадқиқот институти	«Ергеозекадастр» давлат қўмитаси
1.4.2.	Экологик индикатор (кўрсаткич)лар бўйича маълумотлар банкни юритиш		Табиий муҳит мониторинги учун экологик индикаторлар маълумот банкни жорий этиш	Белгиланган дастур бўйича	Экологик индикаторлар бўйича ахборотларни шакллантириш — тўплаш, умумлаштириш ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг атроф табиий муҳит давлат мониторинги ягона маълумотлар банкига тақдим этиш	60,72 8,16 - - <u>44,00</u> 22,00	АНИДИ «Ўзгидромет» маркази Республика ДСЭНМ «ГИДРОИНГЕО институти» давлат корхонаси, «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
1.5.	Атроф табиий муҳит давлат мониторингининг даврий ва тезкор ахборотларини тайёрлаш							
1.5.1.	Атроф табиий муҳит давлат мониторингининг натижалари бўйича ахборот,	Мониторингнинг барча турлари бўйича	Табиий муҳит ҳолати тўғрисида йиллик ва ярим йиллик (ўн кунлик ва ойлик) ахборот ва бюллетенлар, шунингдек тезкор маълумотномалар тайёрлаш ва уларни нашр қилиш	Мунтазам равишда, ҳар ойда, ҳар йилда	Давлат ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар, жамоатчилик ва аҳолини атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш	<u>311,29</u> 41,83 <u>13,85</u> 1,86	«Ўзгидромет» маркази  АНИДИ	«Ўзгидромет» маркази Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси

1	2	3	4	5	6	7	8	9	
	бюллетенлар тайёрлаш					24.00	«Давбионазорат»		
						-			
						4.20	Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти ҳамда Республика ДСЭНМ		Соғлиқни сақлаш вазирлиги
						0,84			
						20.00	Тупроқшунослик ва агрохимё давлат илмий-тадқиқот институти		«Ергеоздезкадастр» давлат қўмитаси
						4,00			
-	«Ўзгидромет» маркази	«Ўзгидромет» маркази							
-	Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти ҳамда Республика ДСЭНМ	Соғлиқни сақлаш вазирлиги							
25.00	«ГИДРОИНГЕО институти» давлат корхонаси, «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати, «Комплекс геология-съемка қидирув экспедицияси» давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси							
4,90									
1.60	Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси вилоятлар гидрогеология-мелиоратив экспедициялари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги							
0,32									
1.5.2.	Атроф табиий муҳит давлат мониторингининг умумлаштирилган ахборотларини тайёрлаш		Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисида Миллий маърузани тайёрлаш	2-3 йилда бир марта ҳисобот даврдан кейин 1 июнга қадар	Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маърузани нашр этиш	-	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ахборот-таҳлил мониторинг маркази вазирликлар ва идоралар иштирокида	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси	
			Интернетда атроф табиий муҳит давлат мониторинги бўйича сайт ташкил қилиш ва уни қўллаб-қувватлаш	Мунтазам равишда	Интернетдаги сайт орқали мониторинг натижаларини тарқатиш		Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ахборот-таҳлил мониторинг маркази вазирликлар ва идоралар иштирокида		

1	2	3	4	5	6	7	8	9
<b>II. Атроф табиий муҳит давлат мониторингининг метрологик асослари ва моддий-техника базасини такомиллаштириш</b>								
2.1.	Атроф муҳит объектларида ифлослантирувчи моддаларни аниқлашнинг янги методикаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш	Мониторингнинг барча турлари бўйича	Атроф муҳит объектларида ифлослантирувчи моддаларни аниқлашнинг янги методикаларини ўзлаштириш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш	2011 — 2015 йиллар	Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборотнинг ҳаққонийлиги ва сифатини ошириш мақсадида мониторингнинг янги методларини жорий этиш	155,64 20,92	«Ўзгидромет» марказининг ифлосланиш мониторинги хизмати	«Ўзгидромет» маркази
						26,87 3,61	АНИДИ	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
						Жорий этилаётган методикалар қиймати доирасида	Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
						213,86 76,96	«ГИДРОИНГЕО институти» давлат корхонаси, «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
		Ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиши мониторинги	Кузатиш шохобчасини мақбуллаштириш, ер ости сувлари ҳолати мониторингини олиб бориш усуллари ва технологияларини такомиллаштириш	2011 — 2015 йиллар	Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ер ости сувлари мониторинги маълумотлари объективлиги ва ишончлилигини ошириш	60,36 14,33	«ГИДРОИНГЕО институти» давлат корхонаси, «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
		Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари мониторинги	«Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси мониторингини олиб бориш методик қўлланмаси»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2013 йил IV чорак	Биологик ресурслар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар сифати ва ишончлилигини ошириш мақсадида мониторингнинг янги методларини жорий қилиш	12,00 -	«Давбионазорат» манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
2.2.	Атроф табиий муҳит давлат мониторингини юритиш учун прибор-техника анжомларини модернизациялаш	Мониторингнинг барча турлари бўйича	Замонавий ўлчов асбоблари ва анжомлари, кимёвий реактивлар ва технологик материаллар сотиб олиш	2011 — 2015 йиллар	Атроф табиий муҳит давлат мониторинги хизматини техник жиҳозлаш	622,59 83,65	«Ўзгидромет» маркази	«Ўзгидромет» маркази
						500,00 100,00	«Тупроқшунослик ва агрокимё» давлат илмий-тадқиқот институти	«Ергеоздекадастр» давлат қўмитаси
						45,50 9,10	Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси вилоятлар гидрогеология-мелиоратив экспедициялари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
III.	Атроф табиий муҳит давлат мониторингига	Мониторингнинг барча турлари бўйича	Атроф табиий муҳит мониторингини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ва	2011 — 2015 йиллар	Атроф табиий муҳит давлат мониторингининг янги методлари ва технология-	-	Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти,	«Ўзгидромет» маркази

1	2	3	4	5	6	7	8	9
	жорий этиш учун янги методикалар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш		тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш		ларини амалиётга жорий этиш	170,85 18,35	«ГИДРОИНГЕОинститути» давлат корхонаси	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
	<b>ҲАММАСИ</b>					<b>29873,11</b> <b>5 457,46</b>		

Изоҳ: Республикада I тоифа сув оқимлари мавжуд эмас.

2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги Дастурини бажариш бўйича молиявий харажатлар мазкур Дастурга иловада келтирилган.

2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон  
Республикасида атроф табиий муҳит  
давлат мониторинги Дастурига  
ИЛОВА

**2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида  
атроф табиий муҳит давлат мониторинги  
Дастурини бажариш бўйича  
МОЛИЯВИЙ ХАРАЖАТЛАР**

Т/р	Бажарувчи ташкилотлар ва молиялаштириш манбалари	Молиялаштириш ҳажмлари (млн сўм)	
		2011 — 2015 йилларда	2011 йилда
	Давлат бюджетидан молиялаштириш бўйича ЖАМИ шу жумладан:	29 873,11	5 457,46
1.	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	16 500,00	3 308,04
2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати мар- кази	7 782,20	1 045,80
3.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва- зирлиги	3 302,83	660,57
4.	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, гео- дезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси	1 260,00	286,00
5.	Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси	786,70	108,03
6.	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжа- лиги вазирлиги	241,38	49,02